



INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

TEACHING FOREIGN LANGUAGES

TSUL ICON FLT



TASHKENT 2021



THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

An international scientific and practical online conference on the topic
**TSUL INTERNATIONAL CONFERENCE ON
TEACHING FOREIGN LANGUAGES
(TSUL ICON - FLT)**

Foreign languages department

Tashkent – 2021

ЖАҲОН ТИЛШУНОСЛИГИДА ТЕРМИНЛАР ТАСНИФИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Г.А.Тиловова

ТДАУ, Тиллар кафедраси,

e-mail: gavhar.tilovova@mail.ru

DOI 10.5281/zenodo.4963405

Аннотация: Мақолада жаҳон тилшунослигида термин ва терминология тушунчаларига бўлган муносабатлар, қарашлар, нуқтаи назарлар баён этилди. Шунингдек, терминларнинг тилшуносликда тутган ўрни, махсус лексик бирлик сифатида луғат қатлаמידан муҳим ўрин эгаллаши ўрганилди. Термин тушунчасига муаллифнинг муносабати билдирилди.

Калит сўзлар: *терминология, ўзлашган сўзлар, тилшунослик, лексик бирлик, луғат қатлами*

Немис тилшунослигида терминларни тадқиқ этишнинг муҳим нуқтаи назарлари мавжуд бўлиб, бу янги назарияларни аниқлаш учун 1970 йиллардан бери немис тилшунослигида муайян ёндошувларга мурожаат қилиниб, тадқиқотлар олиб борилмоқда. Немис тилшунослигида терминология „Fachsprache“ сифатида кўплаб тилшунослик адабиётларида берилади. Л. Ҳоффман, „Fachsprache“ барча тил воситаларининг йиғиндиси сифатида махсус чегараланган мулоқот доирасида фақат ўша маълум соҳада фаолият юритадиган инсонлар тушуниши учун ишлатилади” – деб кайд этади [2. 53]. Х. Флук терминлар нафақат мутахассислар ўртасида алоқа воситаси сифатида намоён бўлиши акс эттирилган, балки билиш воситаси, яъни касбий билимларга эга бўлиш усуллари билишга ҳам хизмат қилади, деган фикрни билдиради [1. 34]. Бундан кўринадики, бу таърифлар ҳатто тизимли йўналтирилган бўлишига қарамай, терминларнинг функционал ва мулоқот вазифалари борлигини кўрсатади. Терминлар бошқа томондан

мутахассислар ўртасида ўзаро мулоқотни самарали ёритиб бериш имконини беради.

80-йилларнинг бошига келиб, прагмалингвистик матн моделига бурилиш юз бериши билан терминлар махсус мулоқот воситаси сифатида қабул қилишини учун илмий матнларда ишлатила бошлади. Р. Бульманн ва А. Фернзнинг таъкидлашича, Л. Хоффманн ўз лингвистик қарашларида терминологик фаразларга ва терминологияда термин тизимли бўлишга эга, деган фаразларга қарши ўлароқ, у терминга шунчаки умумтилнинг стилистик варианты, деб ёндашди [7. 224]. Д. Моен ва П. Роналд томонидан билдирилган, термин (махсус сўз бирикмаси ва тилда махсус ифодаланадиган сўзлар) у аниқ бир фан соҳаси ҳисобланиб, (терминологик аниқлик асосида) ушбу соҳани аниқ тушуниш, аниқ тасвирлаш имконини беради, деган фикр термин тушунчасига берилган таърифларни янада тўлдиради [5. 27]. Бизнингча, термин махсус лексика, у ҳар доим мутахассис билан боғланган бўлади, чунки термин тўла аниқликни талаб қилади. Термин мутахассис бўлмаганлар томонидан ишлатилганда, термин ўзининг касбий тушунча, фикр билан бевосита боғлиқ бўлган жиҳатини йўқотади.

Фақатгина терминологияда терминларнинг аниқлашда чекланишга йўл кўйилиши махсус лексикалар ва умумтил қоидаларига тўғри келмайди. Бирок жамиятда фан ва техниканинг ривожланиши туфайли, айрим терминлар эскириши мумкин. В. Клуце терминни ўтказувчанлик хусусиятига эга ва бошқа тил бўлимларига тез тарқалиши мумкин, шунингдек махсус лексика ва умумтил ўртасида тобора ортиб бораётган алмашув мавжудлигини айтади [4. 85]. Гарчи, умумтилда махсус лексика элементлари бўлмаса-да, лексика, синтаксис ва индивидуал фикрлаш шаклини исботлаш учун терминлар таъсирига қараганда кўпроқ тахмин бўлиши мумкин.

Термин юзасидан олиб борилган тадқиқотларда икки хил фикр бири-бирига зид келади. “Редукцион фараз” тарафдорлари терминологияни умумтил деб ҳисоблашади, чунки соҳа мутахассислари умумтилнинг баъзи

имкониятларидан кўпроқ фойдаланадилар. Бу ўринда, Р. Штолц шундай фикр билдиради: “Бошқа томондан, терминнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар луғат таркибида мавжуд бўлади ва тегишли фаннинг эҳтиёжларига мослаштирилади ва умумтилга ўтиши равон кечади, шунингдек умуман тушунарли бўлган сўзларни ўз ичига олади. Бошқа томондан эса уларнинг ўзига хос хусусияти маълум (умумтилда) грамматик (морфологик, синтактик) воситалардан фойдаланиш частотасини белгилайди” [8. 98]. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, терминология фақат терминлар тўпламини ўз ичига олади, уларнинг умумийлиги терминология деб номланади. И. Хонхолд терминологик луғатларни кузатар экан, қайси сўз туркумлари айнан термин ясаши мумкинлиги борасида фикр билдиради. От ва от-сўз бирикмалар терминологик луғатларнинг кўп қисмини ташкил қилиб, феъллар, сифатлар, атрибутив ишлатиладиган сифатдошлар, равишдошлар термин бўлиши мумкинлигини айтиб ўтади [3. 32]. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, “термин”нинг аниқ таърифи фақат лексик, морфологик, синтактик ва функционал-стилистик даражадаги мураккаб тилшунослик тадқиқотларини олиб боришга имкон беради.

Терминлар ва терминологиянинг ўзига хос хусусиятларини узоқ вақт ўрганиш мобайнида каттагина миқдорда “термин” тушунчаси таърифлари тўпланиб қолди. Рус тилшунослари Л. Рахманова ва В. Суздалцева ўзларининг тадқиқотларида терминнинг шундай изоҳлайдилар: “Термин бу фан, технология ва бошқа тушунчаларнинг стандартлашган тасвири, расмий равишда тан олинган сўз ёки сўз бирикмаси. Унинг терминологияси фонидан, термин аниқ ва стилистик жиҳатдан нейтрал бўлиб қолмоқда. Бу соҳа термини ва одатда ишлатиладиган терминларни бир-биридан ажратиш туради, бунда улар нафақат мутахассислар томонидан тушунилади ва ишлатилади” [6. 224].

Хулоса шуки, биз ўрмончилик терминлари устида олиб бораётган тадқиқотимиздан келиб чиқиб, “термин – бу сўз, аммо оддий сўз эмас,

шунингдек сўз бирикмаси, ўз семантик доирасига эга бўлган махсус соҳаларда ишлатилиш кўлами билан чегараланган ҳамда шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирлик” деб таъриф бердик.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Fluck Hans-Rüdiger: Fachsprachen. Einführung und Bibliographie, München. 1976. – S. 34
2. Hoffmann Lothar. Kommunikationsmittel/Fachsprache. Eine Einführung, Tübingen 1985. – S. 53.
3. Hohnhold Ingo: Übersetzungsorientierte Terminologearbeit. Eine Grundlegung für Praktiker. Tübingen. Chronik, 1990. – S. 32.
4. Klute W. (Hrsg.) Fachsprache und Gemeinsprache. Texte zum Problem der Kommunikation in der arbeitsteiligen Gesellschaft. Frankfurt/M. u.a. 1975. – S. 85.
5. Möhn Dieter / Pelka Roland Fachsprachen. Eine Einführung. Tübingen. Niedermeier, 1984. – S. 27.
6. Rachmanova L., Suzdaltseva W.: Sowremennyj russkij jazyk. Moskwa. Izd-vo MGU, 1997. – S. 224.
7. Rosemarie Buhlmann/Annelies Fearn: Handbuch des Fachsprachenunterrichts, Berlin – München. 1987. – S. 11.
8. Stolze Radegundis: Hermeneutisches Übersetzen. Linguistische Kategorien des Verstehens und Formulierens beim Übersetzen. Tübingen. Gunter Narr Verlag, 1992. – S. 98.